



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Давлат раҳбарига камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд инсонлар алоҳида эътиборга олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида бундай оилаларга меҳнат, таълим, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда қўмаклашилмоқда.

Шу билан бирга, бу жуда кенг ва узлуксиз жараён бўлиб, доимий такомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, камбағал оилаларни уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига қараб, уч тоифада қўллаб-қувватлаш таклиф қилинмоқда.

Камбағал оилаларга 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат, ёрдам ва имтиёзлар тақдим этилади. “Камбағал оилалар реестри”га киритиш тартиб-таомиллари қонунчилик ҳужжати даражасида белгиланади. Уларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режалар тасдиқланиб, манзилли хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади. Бундай инсонлар бандлигини чекловчи омиллар бартараф этилиб, муайян даромад топишига шароит яратилади.

Камбағал оила фарзандлари мактабдаги узайтирилган кун гуруҳлари учун тўловдан озод қилинади, аъло баҳога ўқиганлар оромгоҳларда бепул дам олиши мумкин бўлади. Камбағал оиладан чиққан аълочи талаба-қизларга базавий стипендиянинг 2 баравари миқдорида махсус стипендия тўланади.

Тақдимотда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш чоралари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Унга кўра, ногиронлиги бор инсонларни ишга олган енгил саноат корхоналарига солиқ имтиёзлари бериш, бундай ходимлар учун ижтимоий солиқ ставкасини пасайтириш, тадбиркорларга Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш каби рағбатлар кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, электрон савдо майдончаси орқали ногиронлиги бор шахсларга тегишли товар ва хизматларни харид қилиш миқдори оширилади. Уларга касб-хунар ўргатиш учун техникумларда инклюзив таълим гуруҳлари ташкил этилади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизматлар қамрови ва турларини кенгайтириш мақсадида “Фаол ҳаётга қадам” дастури жорий этилади. Бундай инсонларга кундузги қатнов асосида ёки уйда қараб туриш, маиший юмушларда қўмаклашиш, йўқотилган ҳаракат фаоллигини қайта тиклаш, касалликларнинг олдини олиш каби тиббий-ижтимоий хизматлар йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, уларни тизимли йўлга қўйиш ва бажарилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

president.uz



ПАРЛАМЕНТ МУҲОКАМАСИ

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ УЧУН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

► (Давоми 3-бетда)

ИМКОНияТИ ЧЕКСИЗ АЁЛЛАР: САЛОҲияТ ВА ОРЗУ- МАҚСАДЛАР НАМОЙиШИ

Дунёда 700 миллионга яқин ногиронлиги бўлган аёллар ва қизлар яшайди. БМТ Аёллар ташкилотига кўра, хотин-қизлар ўртасида ногиронлик даражаси ўртача 19,2 фоиз бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини, фаровонлигини таъминлаш жаҳон давлатлари олдида долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

► (Давоми 4-бетда)



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

СЕССИЯ ВА НАТИЖА

Бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳаётига назар ташласак, аввалгиларидан мутлақо фарқ қиладиган кўп жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари бир-бирдан ажратилди. Давлат ҳокимияти халққа янада яқинлашди, халқ ҳокимиятчилигининг асослари мустаҳкамланди. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, чин маънода “Халқ уйи” сифатида намунали Кенгашга айланиши учун барча имкониятлар яратилди.


► (Давоми 6-бетда)

2025 йил -
АТРОФ-МУҲИТНИ
АСРАШ ВА “ЯШИЛ
ИҚТИСОДИЁТ” йили

ЯГОНА УЙИМИЗ

Тирикчилигимиз, ризқ-у рўзимиз, насибамиз – ҳамма-ҳаммаси она ер билан боғлиқ. Қуёш тизимида ҳаёт мавжуд бўлган ягона ва бетакрор сайёра – Ер инсониятнинг неча минг йиллик ўтмиши, бугуни ва келажагига гувоҳ. Бу сайёрадаги жамики инсонлар учун Ер ягона уй ҳисобланади.

► (Давоми 7-бетда)



МУНОСАБАТ

Бахшиси бор элнинг ботири кўн бўлар

Очиқ осмон остидаги бетакрор музей шаҳар – қадимий Хивада ўтказилган IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали ва Президентимизнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табриги биз каби ижод аҳлини беҳад тўлқинлантиргани рост.

► (Давоми 7-бетда)



ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК САРИ ҚАДАМ

Тошкент шаҳри яна бир муҳим саноат тadbрига мезбонлик қилмоқда — «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» V халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Бу тadbир нафақат минтақа давлатлари, балки бутун дунё саноат ва иқтисодий ҳамжамияти учун катта аҳамият касб этади.

ИННОПРОМ кўргазмаси — халқаро саноат соҳасидаги энг нуфузли платформалардан бири бўлиб, Марказий Осиё минтақасидаги саноат, инновация ва технологияларни ривожлантириш, ҳамкорликни кучайтириш ва янги инвестиция лойиҳаларини йўлга қўйиш учун хизмат қилади. Tadbирда асосий эътибор саноат кооперацияси, рақамли технологиялар, энергетика, машинасозлик, кимё ва фармацевтика соҳаларига қаратилган.

Бу йилги кўргазмада 15 дан ортиқ давлатдан 400 га яқин компания ва ташкилотлар иштирок этмоқда. Унда Россия, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан 10 мингдан ортиқ делегатлар ҳамда етакчи компаниялари ўз стендлари билан иштирок этмоқдалар.

ИННОПРОМда иштирок этаётган компаниялар ўзининг энг янги ишланмалари, саноат ускуналари, илғор технологик ечимлари ва экспорт



маҳсулотларини намойиш этишмоқда. Кўплаб делегациялар ўз давлатларининг саноат салоҳиятини очиб бериш мақсадига махсус тақдимотлар ўтказиши режалаштирилган.

Кўргазма доирасида қатор муҳим

ҳужжатлар имзоланиши, яъни, хусусий сектор ва давлат ташкилотлари ўртасида янги ҳамкорлик меморандумлари, инвестиция шартномалари тузилиши, қишлоқ ҳўжалиги техникаси, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ва қурилиш

материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорлик бўйича катта келишувларга эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, тadbир давомида бизнес-учрашувлар, семинар ва панель муҳокамалар ташкил этилиб, улар орқали компаниялар ўзаро тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар.

«ИННОПРОМ. Марказий Осиё» кўргазмаси инновацияларнинг намойиши учун самарали платформа ҳисобланади. Катнашчилар янги робототехника ечимлари, сунъий интеллект асосида ишловчи саноат тизимлари, «ақлли фабрикалар» концепцияси ва саноатда рақамли трансформациянинг амалиётдаги намунаси билан танишмоқдалар. Бундай илғор технологиялар Ўзбекистон ва бошқа минтақа давлатларининг иқтисодий ўсишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, «ИННОПРОМ. Марказий Осиё» V халқаро саноат кўргазмаси бир неча жиҳатдан ўзини ўзи оклаши шубҳасиз, у нафақат минтақадаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди, балки саноат соҳасида янги истиқболли лойиҳалар учун пойдевор яратади.

Бугунги глобаллашган дунёда бундай тadbирлар халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, технологик тараққиётни тезлаштириш ва миллий иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

ИННОПРОМ Тошкент кўргазмаси бунинг ёрқин намунаси бўлмоқда ва унда иштирок этган ҳар бир давлат ҳамда компания келгуси йиллар учун муҳим тажриба ва имкониятларга эга бўлади.

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

» СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Эл-у юрт учун ягона нажотни таълим-тарбияда деб билган маърифатпарвар жадидларимиздан бири Абдурауф Фитрат “Хаёт йўлида биринчи масала мактаб масаласидир”, дейди.

Дарҳақиқат, тараққиётнинг тамал тоши мактабларда қўйилади. Бошқача айтганда, бу табарруқ масканларда илм олиб, камолга етган, онг-у тафаккури, дунёқараши юксалган, салоҳиятли йигит-қизлар мамлакатнинг ёрқин келажагини барпо этади. Барқарор ривожланиш йўлини танлаган ҳар бир давлат мавжуд қувватини, капиталини айнан таълим истиқболига сарф этишга интилади. Энг бебаҳо ресурс ҳисобланган ёш авлод манфаатларини таъминлаш учун маблагни аямайди.

Жумладан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида таълим тизимини янада юқори босқичга кўтаришга қаратилган муҳим мақсад ва вазифалар қамраб олинган. Мазкур стратегия доирасида жорий йилги Давлат дастурида мактабларда шароитларни ва ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, ўсиб келаётган болани билимли этиб тарбиялаш бўйича аниқ мақсадли чора-тadbирлар белгиланган.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълими сифатини ошириш ҳамда педагоглар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишуви чоғида масаланинг мана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунииси аниқки, таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактаблар ҳаётини ўзгартирмасдан туриб, жамиятни ўзгартириб бўлмайди. Юрт тақдири билан боғлиқ улугвор мақсадларимиз рўёби мактабларда “илдиз” отади. Мактабни мактаб қиладиган куч эса, албатта, ўқитувчи-педагоглардир.

Яширмаймиз, ўз вақтида мактабларимизда маънавий-маърифий муҳит ҳам, ўқитувчи касбининг обрў ва нуфузи ҳам пасайган, тизим чуқур изоҳотларга мухтож бўлган даврни кўрдик. Замоनावий фикрлайдиган, малакали педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли аҳамият берилмагани соҳада қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарган эди.

Сўнгги саккиз йил оралиғида ана шу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича юртимизда дадил қадамлар ташланди. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Президентимизнинг халқ таълими тизимига оид қатор қарор ва фармонлари билан соҳадаги изоҳотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди.

Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Мухаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрat, Мухаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева

номлари билан аталган ижод мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги билим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Ушбу жараёнда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўқитувчиларнинг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Педагог кадрлар мажбурий меҳнатдан, ортиқча қоғозбозликдан озод этилиши, ойлик маошлари оширилгани ва бошқа ижобий ўзгаришлар самараси ўларок, бир пайтлар мактабни тарқ этган минглаб эркак ўқитувчилар яна илм даргоҳига қайтмоқдалар. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, 2019 йилда мамлакатимизда жами 481 минг 604 нафар педагогининг 148 минг 695 нафарини эркак ўқитувчилар ташкил этган бўлса, 2024/2025 ўқув йилида бу рақам 161 минг 432 нафарга етди.

Аммо соҳада ҳали муаммолар узил-кесил барҳам топганича йўқ. Мактабларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, педагог кадрларни тайёрлашда замон талаблари даражасидаги янги ёндашувларни татбиқ қилиш ҳаётий зарурат бўлиб турибди.

Юқорида келтирилган тақдимотда айтиб ўтилдики, айни пайтда юртимизда 15 та давлат ва 61 та нодавлат олийгоҳда педагогика йўналиши бор. Лекин улардаги илмий салоҳият атиги 40 фоиз атрофида.

Қабулларнинг катта қисмини ижтимоий йўналишлар ташкил этади. Аниқ ва табиий фанлар бўйича педагоглар тайёрлаш, афсуски, жуда кам. “Афсуски” дея урғу бераётганимиз сабаби, мамлакатимиз ривожланган давлатлар билан ҳамқадам бўлмоғи, жадал тараққий этмоғи учун “тўртинчи саноат инқилоби” касбларини эгаллаган ёш кадрлар сув ва ҳаводек керак. Бунинг учун эса болаларда физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика билан боғлиқ касбларга қизиқиш уйғотиш, қобилият ва лаёқатларини кашф этмоқ жоиз. Энди ўйлаб кўринг, мактабларимизда бундай вазифани

уддалайдиган ўқитувчилар етишмаса, “тўртинчи саноат инқилоби”да рақобатдош бўла оламизми?!

Шулардан келиб чиққан ҳолда тақдимотда педагогларни тайёрлаш тизимини трансформация қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Яъни, Тошкент давлат педагогика университети негизида Ўзбекистон миллий педагогика университети ташкил этиладиган бўлди. Ушбу университет республикамизнинг барча ҳудудларидаги педагогика институтлари учун таянч олийгоҳ ҳисобланади.

Аҳолининг демографик кўрсаткичи йил сайин ошиб бораётгани фонида янги мактабларга эҳтиёж ортмоқда. Ҳозирги кунда республика бўйича 2 мингта мактаб юқори юклама билан ишлайётгани бунга далил. Айниқса, аҳоли гавжум манзиллардаги, шаҳарлардаги мактабларда битта синфда 40–45 нафаргача боланинг ўқиши одатий тус олган.

Ушбу масаланинг ечими сифатида жорий йилнинг ўзида бюджет ҳисобидан 112 мингта янги ўқувчи ўрни ташкил этилиши, Ислom тараққиёт банкидан 200 миллион доллар жалб қилиб, ҳудудларда 58 та замонавий мактаб қурилиши режалаштирилаётгани айни муддао.

Тақдимот чоғида фарзандларимиз таълим-тарбиясига соя солаётган ана бир жиддий хатар тилга олинди. Маълум бўлишича, юртимизда мактаб ёшидаги болаларнинг 80 фоизи интернет ва ижтимоий тармоқларда фаол. Лекин бу интернет ва ижтимоий тармоқлар дунё бўйлаб айрим шахслар ва айрим гуруҳларнинг ғоявий қуролига айлангани, улар орқали ахлоқий бузуқликлар ҳамда турли жиноятлар содир бўлаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Мана шундай шароитда болаларимизни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш ҳаёт-мамот масаласи саналмоқда.

Давлатимиз раҳбари ёш авлод учун хавфсиз ахборот муҳитини яратиш, улар таълим-тарбиясига қучли таъсир кўрсатадиган, қизиқарли миллий контентларни кўпайтириш, бу йўлда бор билим ва ғайратини бағишлашга бел боғлаган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” университетида муҳандислик, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, тиббиёт каби замонавий соҳаларда мутахассислар тайёрлашни ривожлантириш, янги лабораториялар очиш режалари ҳам тақдимот қилинди. Олийгоҳда илм-фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида Германиянинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда замонавий университет клиникаси ташкил этилиши халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашда янги бурилиш бўлиши муқаррар.



Сайёра ИМАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

- Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқда улкан мақсадлар белгиланган. Уларни амалга ошириш ва тараққиётнинг шундай жадал суръатда давом этиши, эртанги кунимиз, юрт истиқболи ўсиб келаётган авлодга боғлиқ. Шу боис ҳам таълим-тарбия соҳасида илғор тажрибалардан ортда қолмаслик, сифат ўзгаришларида бир лаҳза ҳам танаффус қилмаслик лозим.

Партиямиз мақсадларига кўра, Ўзбекистонда ҳар бир бола қаерда ва қайси оилада туғилганидан қатъи назар, ўз орзуларига эриша оладиган, билими, иқтидори, меҳнатсеварлиги билан ҳаётда ва жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида аҳолининг ҳамма қатламига тенг имкониятлар яратилиши зарур.

Эътиборлиси, бу мақсадга уйғун равишда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланмоқда.

Президентимизнинг 28 апрелда қабул қилинган “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармони замирида ҳам таълим-тарбияда замонавий ва оқилона тизим яратиш мақсади мужассамдир. Фармонга кўра, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўрнида Ўзбекистон миллий педагогика университети ташкил этилади ва у республикада педагог кадрлар тайёрлаш бўйича етакчи олий таълим ташкилоти бўлади.

2025/2026-ўқув йилидан бошлаб университетнинг бошқарув тизими босқичма-босқич “Янги Ўзбекистон” университети таърибаси асосида тубдан такомиллаштирилиши, мавжуд 14 та факультет мақбуллаштирилиб, 6 та педагогика олий мактаблари очилиши, бакалавриат таълим

йўналишларига биринчи курсданоқ халқаро таълим дастурлари жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан бошлаб педагог кадрларни тайёрлаш фақат кундузги ва кечки таълим шакли бўйича ташкил этилиб, сиртқи таълимга қабул тўхтатилади. Олий педагогик таълим йўналишида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хулосаси асосида амалга оширилади. Кейинчалик Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларида педагог кадрлар тайёрлаш сифати таҳлилин юритиш мақсадида талабаларнинг билимларини ташқи диагностика қилиш тизими қўлланилади. Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга “Госпитал педагогика” магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Фармонга мувофиқ, юртимизда эндиликда “Госпитал педагогика” мутахассислиги бўйича педагогларнинг тайёрланиши инклюзив таълимни ривожлантиришда тамомила янги саҳифа очишига ишончим комил. Жамиятимизнинг бир бўлаги бўлган алоҳида ёрдамга мухтож болаларнинг соғлом тенгдошлари қаторидан кам бўлмай, таълим-тарбия олиб, ҳаётда ўз ўринларини топиши учун пойдевор яратишда бу жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарурлигини кўп бора таъкидлайди. Зотан, халқнинг, миллатнинг юксалиши айнан мактаб остонасидан бошланади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ҚАРШИ ЧИҚҚАНИ УЧУН ҚОНУН ЛОЙИХАСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ҳаётига дахлдор бўлган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

“Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга болаларга нисбатан жинсий зўравонлик қилганлик, порнографик маҳсулотларни сақлаганлик учун жавобгарлиқни белгилашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексга вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг бир кун мобайнидаги умумий давомийлигини ва уларни сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилларнинг иштирок этиши тартибини белгиловчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиниши учун хизмат қилади.

Йиғилишда депутатлар қонун лойиҳасига киритилаётган айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб ўтди. Мунозараларда бир қатор саволлар, муҳокама қилинди. Депутатларнинг таклифига кўра, айрим нормаларни такомиллаштириш зарур. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси масъул қўмита томонидан маромига етказиладиган бўлди.

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ, РУХСАТ БЕРИШ ВА ХАБАРДОР ҚИЛИШ

Ялпи мажлис муҳокамасига қўйилган навбатдаги ҳужжат — лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди. Унга кўра, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиблари янада соддалаштирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги 3 та кодекс, 5 та қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Унда табдиркорлик субъектларининг 12 турдаги лицензия, рухсат бериш ва хабарнома олиш талаби бекор бўлиши, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш бўйича аризаларни Давлат хизматлари марказлари орқали ҳам тақдим этиш имкониятини яратиш белгиланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини янада соддалаштиришга, табдиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва рақобат муҳитини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ҚАТЪИЙ ҚАРШИ ЧИҚДИ

Кун тартибидаги навбатдаги масала меҳнат кодексига хусусий сектор учун белгиланган ижтимоий мажбуриятларни эркинлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди. ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига хусусий сектор учун белгиланган ижтимоий мажбуриятларни эркинлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди ва кизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Қонун лойиҳасига кўра, Меҳнат кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Унга мувофиқ, меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилишда аризани қақриб олиш жараёнида иш берувчининг иштирокини таъминлаш орқали томонларнинг масъулиятини ошириш, меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилишда касаба уюшмаси қўмитаси ёки маҳаллий меҳнат органи билан келишиш жараёнларини соддалаштириш орқали хабардор қилиш тартибига ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, ходимнинг узоқ муддат меҳнатга қобилиятсиз бўлиши натижасида меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини такомиллаштириш, табдиркорлик субъектларида ўриндошлик асосида фаолият юритаётган ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда оғохлантириш муддати ва компенсация тўловларини бекор қилиш белгиланмоқда.



Маърузачи лойиҳани ўқиб эшиттирганидан сўнг, навбат муҳокамаларга келди. Кўйи палата вакиллари ўзларининг таклифларини билдириши билан биргаликда эътирозларини ҳам айтиб ўтишди. Савол-жавоблар қизгин тус олди.

Муҳокамада кўйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари ҳам ўз позицияларини билдиришди. Жумладан, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Фирдавс Шарипов шундай савол билан мурожаат қилди:

- Ушбу қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида ҳам қизгин муҳокамага сабаб бўлди. Эътиборингизни қаратмоқчи бўлган жиҳат, мазкур қонун лойиҳаси билан Меҳнат кодексининг 164-моддасига таклиф этилаётган ўзгартиришга кўра, эндиликда табдиркорлар томонидан касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олиш эмас, балки уни хабардор қилиш тартиби киритилмоқда.

Мазкур ўзгартириш ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳисобланмайдими? Бизнингча, бу эртага табдиркорлар томонидан хоҳлаган ходимини ишдан бўшатишга олиб келишдан жиддий хавотиримиз бор.

Оддий ишчилар, меҳнатқашлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати ҳисобланади. Шунинг учун ушбу қонун лойиҳаси электоратимиз манфаатларига зид ҳисобланади. Ходимларни ҳар томонлама кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи бизнинг партиямиз олдига қўйилган устувор вазифалардан бири ҳисобланади, аксинча, фуқароларимизни ҳар томонлама кучли ижтимоий ҳимоя қилиш масласини кўтаришимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

Шу нуктаи назардан фракциямиз бу қонун лойиҳасига қарши ва бошқа депутатларни ҳам қарши овоз беришга қақирамиз.

Шундан сўнг Шокиржон Аҳмедов агар касаба уюшмаси қўмитаси ходимнинг аризаси билан боғлиқ масалани бирон сабаб билан эътиборсиз қолдирса, ходим ишсиз қолиб кетадими, деган саволни берди. ЎзЛиДеП вакили бу саволга асослантирилган жавоб бера олмади.

Қонун лойиҳаси бўйича ЎзХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятوف партия позициясини билдирди. Концепция тақдим этилаётган лойиҳа матнига мувофиқ келмаслиги, унда бир томонлама хусусий сектордаги иш берувчилар манфаати кўзланганини қайд этди.

Агар ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинса, табдиркорларга ишчиларни ишдан бўшатишга қонуний енгилликлар берилишига олиб келиши, амалиётда, ўз ҳуқуқини талаб қилаётган ишчиларни ишдан бўшатиш билан жазолашга имкон пайдо бўлиши мумкинлиги тушунтирилди.

Бундан ташқари, ушбу қонун лойиҳаси қабул қилинса, норасмий бандликни қамайтириш эмас, балки ишчиларнинг

қўнимсизлиги ва ишсизларнинг сони ортишига олиб келади, деди фракция раҳбари.

Шу ва бошқа асосларга кўра, қонун лойиҳасини ташаббускорларга қайтариш таклифи илгари сурилди.

Белгиланаётган нормалар қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар ва тортишувларга бой бўлди. Мажлисда қонун лойиҳаси етарлича овоз ололмади. 71 нафар депутат қарши овоз берди ва ташаббускорларга қайтарилди.

ПЛАСТИК КАРТАЛАРДАН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА НАЗОРАТ КУЧАЯДИ

Ялпи мажлис кун тартибига кўра, депутатлар тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Сўнгги пайтларда банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўрилик ва фирибгарлик ҳолатларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Тижорат банклари, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида ана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг замонавий усуллари, хусусан, антифрод, биометрик идентификация ва бошқа ҳимоя механизмларини ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Ялпи мажлисда айни шу масаланинг ечимига қаратилган қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Лойиҳага кўра, антифрод, биометрик идентификация тизимларидан фойдаланиш мажбурияти жорий этилади. Марказий банк томонидан рухсат этилмаган тўловлар аниқланганда банк карталари ва мобиль илова аккаунтларидан фойдаланишни уч кунгача чеклаш тўғрисида тўлов хизматлари кўрсатувчиларга кўрсатма юборилишига доир ваколат берилиши мумкин.

Бундан ташқари, тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш мақсадида банклар, тўлов ташкилотлари ва уларнинг тўлов агентлари ва субагентларига рухсат этиладиган тўлов хизматлари турлари алоҳида белгиланмоқда.

Умуман олганда, банк пластик карталаридан тўловларни амалга оширишда назоратни кучайтириш таклиф этилмоқда. Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК МУҲОФАЗАСИ

Ялпи мажлис кун тартибига кўра, депутатлар интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш тартибларини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, ушбу қонун лойиҳаси билан саноат мулки объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларида талаб қилинадиган давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишни бекор қилиш белгиланмоқда.

Амалдаги қонунчиликка кўра, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни ва маълумотлар базаларини расмий рўйхатдан ўтказиш учун амалга ошириладиган текширув муддати аниқ белгиланмаган. Қонун лойиҳасида эса текшириш муддатини 10 кун этиб белгилаш назарда тутилган.

Ваҳоланки, амалиётда қайд этилган муддатда давлат божини узрли ёки бошқа объектив сабабларга кўра тўлай олмаган ва бунинг натижасида муҳофаза ҳужжатини (патент, гувоҳнома) олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган талабнома берувчилар мавжуд. Масалан, 2023-2024 йиллар давомида 100 дан ортиқ талабнома берувчи худди шундай асосга кўра, муҳофаза ҳужжатларини ололмаган.

Бунга сабаб амалдаги қонунчиликка кўра, қайд этилган ҳолатда талабнома берувчига

унинг талабномасини рўйхатдан ўтказиш рад этилади. Бу эса талабнома берувчи ваколати давлат ташкилотига тегишли ҳужжатларни бошқатдан топшириши, экспертизадан ўтказилишини кутиши ва давлат божининг барча қисмини қайта тўлаши талаб қилинади.

Бу эса интеллектуал мулк объектлари, аниққса, ихтиролар, саноат намуналари ва селекция ютуқлари бўйича талабнома топширган шахслар учун анча салбий оқибатларга олиб келади. Қонун лойиҳаси билан ана шундай бюрократик тўсиқлар бартараф этилиши мумкин.

Шунингдек, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи муҳофаза ҳужжатларини ягона QR-код қўйилган ҳолда электрон шаклда автоматик тарзда бериш таклиф этилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМЖИХАТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Мажлисда, шунингдек, “Туркий давлатлар ташкилотининг Фуқаро муҳофазаси механизмини муҳофаза ҳужжатларини ягона битимни (Бишкек, 2024 йил 6 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, мазкур Битим ўтган йилнинг 6 ноябрь куни Бишкек шаҳрида “Туркий дунёни кенгайтириш: иқтисодий интеграция, барқарор ривожланиш, рақамли келажак ва барча учун хавфсизлик” шиори остида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилиши доирасида ишлаб чиқилган.

Унда қуйидаги масалалар назарда тутилмоқда:

- ташкилотга аъзо давлатларнинг фавқулодда вазиятлар идоралари ўртасида самарали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш;
- табиий офатлар вақтида тезкор қидирув-қутқарув ишларини мувофиқлаштириш;
- ушбу соҳадаги мониторинг, таҳлиллар натижаларини ҳамда ўзаро тажриба алмашинувини тизимлаштириш;
- ўзаро ёрдам ва ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш каби масалаларнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари белгиланган.

Ушбу Битим мамлакатимизда фавқулодда вазиятларга тайёргарлик чораларини янада самарали ташкил қилиниши, табиий офатлар оқибатида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда давлатлараро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлиқни таъминлайди.

Ялпи мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Кўриниб турибдики, ялпи мажлис муҳокамасига қўйилган барча қонун лойиҳалари долзарблиги жиҳатидан ҳуқуқий давлатчилик асослари ва жамият фаровонлиги учун жуда ҳам муҳим.

Ялпи мажлис ишини кузата туриб, қонун қабул қилиш жараёни нечоғлиқ катта масъулият талаб қилишига амин бўласиз. Жараёнларда ҳар доим фаол бўладиган жонқуяр депутатлар маъқуллаб турган лойиҳалар ҳақиқатда яхши ишлаб чиқилган эканда, деб турганингизда, аввал ҳеч кўзга ташланмайдиган яна бир халқ вакили сўз олиб, қолганлар эътибор бермаётган жиҳатларга диққатингизни тартади. Ўйлаб қарасангиз, унинг фикрида ҳам жон борлигига иқдор бўласиз. Очiq муҳокамаларда ҳеч бир жиҳат назардан четда қолмайди.

Шунда кучли жамият учун кучли парламент қанчалик зарур эканига яна бир амин бўласан, киши.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ИМКОНИАТИ ЧЕКСИЗ АЁЛЛАР: САЛОҲИАТ ВА ОРЗУ-МАҚСАДЛАР НАМОЙИШИ



Дунёда 700 миллионга яқин ногиронлиги бўлган аёллар ва қизлар яшайди. БМТ Аёллар ташкилотига кўра, хотин-қизлар ўртасида ногиронлик даражаси ўртача 19,2 фоиз бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини, фаровонлигини таъминлаш жаҳон давлатлари олдида долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.



Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар сони 1 031 609 нафарни ёки Ўзбекистон аҳолисининг 2,7 фоизини ташкил этади. Уларнинг 465 минг 645 нафари ёки 45 фоизи аёллардан иборат. Қувонарлиси шундаки, юртимизда ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида муносиб иштирок этишига кўмаклашиш, ҳар томонлама тўқисиз муҳит яратиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси жаҳон минбарларида мамнуният билан эътироф этиляпти, қўллаб-даватларга намуна қилиб кўрсатиляпти.

Маълумки, ҳар қандай давлат тараққиёти, ундаги ижтимоий-маънавий муҳит ногиронлиги бор шахсларга нисбатан шаклланган умуммуносабат орқали ҳам аниқланади. Айниқса, давлатнинг ва жамиятнинг кўмагига муҳтож бу тоифадаги хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаоллик кўрсатишига имконият яратиш, уларнинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ғоятда муҳим. Ахир уларга эътибор биргина бино-иншоотларда лифт ёки пандус ўрнатиш, ойлик нафақасини бериш билангина чегараланмайди.

Бу борада ҳаётий ва ҳақиқий тақлиф-ташаббусларни илгари суриб, электрат манфаати ҳимояси йўлида қатъий позициясини намоён этиб келаётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси юртимиз жамоатчилиги эътиборини яна бир бор мазкур масалага қаратди. Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказган "Имконияти чексиз аёллар" форуми мақсад-моҳиятига кўра, ногиронлиги бўлган опа-сингилларимизни барча жабҳада қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтаришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

АЙРИМ МУАММОЛАР ҲАМОН ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

Кенг форматдаги форум доирасида ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг хунарандлик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда аукцион бўлиб ўтди. Шу билан бирга, ушбу қатлам вакиллари иштирокида сессия ташкил этилиб, уларнинг муаммо ва тақлифлари тингланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, хунаранд хотин-қизлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

"Имконияти чексиз аёллар" форумини партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги

фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятлов кириш сўзи билан очиб, айни соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотларга қарамай, ногиронлиги бўлган аёлларнинг кундалик ҳаётида айрим муаммолар ҳамон ўз ечимини кутаётганини қайд этди.

– Айниқса, ишга жойлаштишдаги тўсиқлар, иш берувчилар орасида ҳанузгача ногиронлиги бўлган аёлларни ишга қабул қилишга нисбатан эҳтиёткор муносабат сақланиб тургани ачинарли, – деди У. Иноятлов. – Бу эса аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги ва ижтимоий фаоллигига жиддий таъсир кўрсатади. Аслида ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир ходим учун 6 ойда БХМнинг 1,5 бараварида субсидия берилади.

Шу билан бирга, таълим ва касб-ҳунарга қайта тайёрлаш имкониятлари ҳали етарлича йўлга қўйилмаган. Айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи ногиронлиги бўлган аёллар учун махсус курслар, инклюзив таълим дастурлари ёки онлайн платформалардан фойдаланиш имкони чекланган. Бугунги рақамли замонда бу каби чекловлар уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишини қийинлаштирмоқда.

Муаммоларни нафақат муҳокама қилишимиз, балки ҳар бир соҳада аниқ амалий ечимлар тақлиф этишимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Халқ демократик партияси томонидан жамоатчилик ва экспертлар иштирокида қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳарсозлик ва транспорт объектларида инфратузилмани мослаштириш, жумладан, темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шохбекатларда кўзи оқизлар учун электрон эшитиш мосламалари, овозли светофорлар ва оғохлантирувчи электрон қурилмаларни жорий этиш юзасидан хорижий тажриба ўрганилиб, аниқ тақлифлар тайёрланмоқда.

Партияимиз ижтимоий заиф қатламлар, жумладан, ногиронлиги бўлган аёллар учун арзон уй-жойлар қурилишини кенгайтириш тарафдори. Сайловолди дастурида "Ижтимоий турар жойлар тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш, ҳашаматли уй-жойлар қурувчи компаниялар ва тижорат банклари даромадидан мажбурий ажратмалар ҳисобидан махсус жамғармалар ташкил этиш, ушбу жамғармалар орқали ногиронлиги бўлган аёллар, оғир ижтимоий аҳволдаги оилалар, болалар уйи битирувчилари учун уй-жойлар барпо этиш ташаббуси ўрин олган.

Парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида "ногиронлиги бўлган шахслар учун квота" орқали уларнинг сиёсий ва ижтимоий жараёнлардаги иштирокини таъминлаш партиянинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тамойили асосида қонунчиликни такомиллаштириш, тўқисиз муҳитни ривожлантириш, таълим, бандлик ва уй-жой масалаларида натижалар яхшилишини учун саъй-ҳаракатларимизни биргаликда давом эттирамиз, – деди партия етакчиси.

УЛАР МАТОНАТ ВА САБР ЭЛЧИСИ

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова ногиронлиги бўлган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар хусусида тўхталиб ўтди. Бу тоифадаги хотин-қизларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш орқали фаоллигини ошириш, ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш лозимлиги, ҳар бир аёл бахтли ва муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқига эга экани ва уларга таълим олиш, хунаранд бўлиш, меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш, самарали фаолият билан шугулланиши учун тенг имкониятлар тақдим этиш зарурлигига урғу берди. Ногиронлиги бўлган аёлларнинг жамиятда фаол иштирок

этиши – бу нафақат ижтимоий тенгликнинг муҳим кўрсаткичи, балки мамлакат тараққиётининг асосий мезонларидан эканини қайд этди.

– Бугун форум доирасидаги кўргазмада опа-сингилларимизнинг жисмоний имконияти чекланганига қарамай, ҳайрат ва ҳавасга муносиб хунарандчилик маҳсулотларини, ижод намуналарини яратаётганига гувоҳ бўлдик. Бу аёлларни, шубҳасиз, матонат ва сабр элчиси дейишимиз мумкин, – деди Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова. – Шу ўринда яна бир фикрни билдириб ўтмоқчи эдим. Бугун биз мамлакатимизда инклюзив жамият қуриш бўйича жуда катта қадамларни ташлаганмиз ва Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг энг асосий устувор йўналишларидан бири ижтимоий, адолатли инклюзив жамият қуриш, десам ҳеч ҳам муболаға бўлмайди. Биргина жорий йилнинг ўзида ижтимоий мақсадлар учун давлат бюджетининг 52 фоизи ажратилди. Бу эса ижтимоий ислохотларни жадаллаштириш, хусусан, ногиронлиги бўлган аёлларимизнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш суръатини оширишга имкон беради.

Ушбу соҳада қонунчилик базаси ҳам такомиллаштирилаётганини қайд этиш керак. Масалан, олдинги Меҳнат кодексидан хотин-қизларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича 3 тагина модда бор эди. 2023 йилда кучга кирган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексидан 21 тадан ортиқ модда хотин-қизлар манфаатига қаратилган бўлса, шундан ўнга яқини айнан ногиронлиги бор аёллар ҳуқуқларини кафолатлайди.

Сенатор Малика Қодирхонова ўтган йили пилот лойиҳа асосида 41 та вазирлик, идора ва ташкилотда сўровнома ўтказилганини, унда аёллар ишлаши учун мослашувчан ва масофавий иш режимидан қайси бири мақбуллиги ўрганилганини келтирди. "150 дан ортиқ аёлларимиз бу сўровномада қатнашган бўлса, 130 дан ортиғи айнан мослашувчан иш режимини сўрашди. Сабаби билан қизиққанамизда, фарзанди ёки оила аъзоларининг бирида ногиронлиги борлигини, шунинг учун масофавийдан кўра мослашувчан иш режими кераклигини билдиришди", – деди М. Қодирхонова. У, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларни, жумладан, хотин-қизларни ишга олса, солиқдан имтиёз мавжудлигидан қўллаб-тадбиркорлар беҳабарлигини ҳам яширмади.

Очиқ руҳда ўтган форумда мана шундай асосли фикрлар ва тақлифлар ўртага ташланди. Ўз навбатида ногиронлиги бўлган тадбиркор ва хунаранд аёллар, қизлар тажрибалари билан ўртоқлашди.

“БИЗ ЁЛГИЗ ЭМАСМИЗ!”

Айман Касимова 35 ёшда. Қибрай туманидаги "Бирлик" маҳалласида яшайди. Қўли гул тикувчи. У миллий анъаналаримизда муҳим ўрин тутувчи курак ёстиқ ва кўрпачаларни ўзгача кўринишда яратишга интилади.

– Халқимизда хунари бор хор бўлмас, деган гап бор, – дейди Айман. – Болалиқдан биринчи гуруҳ ногирониман. Шундай бўлса-да бировга оғирлигим тушмаслиги учун бор кучим билан ҳаракат қиламан. 10 йил олдин тикувчилик билан шугуллана бошладим. Биринчи тиккан курак ёстиқ ва кўрпачаларни аввал

оиладагиларга кўрсатдим. Уларга маъқул бўлди. Шундан сўнг қўни-қўшнилар ҳам кўриб, буюртма бера бошлади. Ҳозирда туманимиздаги "Опа-сингиллар" масъулияти чекланган жамиятида ҳам тикувчилик фаолияти билан шугулланаман.



У ердаги ногиронлиги бўлган хотин-қизларга ўз билганларимни ўргатяман. Бугунги форумдаги кўргазмада ўзим тиккан маҳсулотлар билан иштирок этдим. Маҳсулотларим ҳаммага манзур бўлганидан жуда қувондим. Шунга айтишни истардимки, юртимизда мен каби ногиронлиги бор аёлларга алоҳида эътибор, берилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли ўзимизни ҳеч қачон ёлғиз ҳис қилмаяпмиз. Форумда бунга яна бир бор амин бўлдим.

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Имконияти чексиз аёллар" форуми доирасида хунарандчилик кўргазмасини ташкил этиб, бизни тақлиф қилишганидан жуда хурсандман, – дейди Шайхонтоҳур тумани Себзор даҳаси «Қоҳота» маҳалласида яшовчи Феруза Шоджоновна. – Кўргазмага ўзим ясаган уч турдаги йигирмадан яқин юмшоқ ўйинчоқларни олиб келдим. Аслида бу ҳунаранд билан шугулланиб, мустақил даромад топа бошлаганимга салкам йигирма йил бўлади. Мен ясаган ўйинчоқларни кўпроқ хорижлик сайёҳлар харид қилишади. Даромадим ҳам ёмон эмас. Ҳунаранд инсон зийнати, балки оилада ва жамиятда киши, айниқса, аёл муносиб ўрнини топиши учун ҳам муҳим восита эканини ўз ҳаётим мисолида кўриб, англаб етляман. Асосийси, бизни давлат қўллаб-қувватляпти. Ижтимоий фаол бўлишга ундаяпти, рағбатлантираяпти, барча зарур ёрдамларни кўрсатяпти. Бундан янада руҳланиб, имкониятларимизни кенгайтириб боришга ҳаракат қиялпмиз.

Форум якунида ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг меҳнати, ижтимоий ва профессионал соҳалардаги ютуқларини эътироф этиш мақсадида тақдирлаш маросими ўтказилиб, бир гуруҳ иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

**“Ўзбекистон овози” мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади.**





КАМОЛНИ КАСБ ЭТАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ



Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими,
Республика “Маърифат”
тарғиботчилар жамияти аъзоси.

Мир Алишер Навоий “Ҳайрат-ул-аббор” асарида шундай дейди:

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этмак бирла,мубоҳо учун,
Ақл ҳисобидан эрур бас йироқ,
Бухл бу жудингдан эрур яхшироқ.

Яъни, шеърят мулкининг султони бундан беш аср олдин от чиқармоқ (ном қозонмоқ) учун дуру гавҳарларни ховучлаб сочмоқ ақлдан йироқликдир, деб бизни огоҳлантиради. Чиндан ҳам, шону-шухратга, обрў-эътиборга дабдабабозлик билан эришилмайди. Бир умрлик иззатга тўй баҳона ва исрофгарчилик билан сазовор бўлинмайди. Манманлик билан тўкин бир оилани, яъни, қуда томонни бир умр синдириб, қарздорлик ботқоғига ботириб, қариндошлик ришталарини боғлаб бўлмайди. Гўдакларнинг ризқини қирқиб, кексаларнинг умрини қисқартирган хурмача қилиқлар яъни, орзу-ҳавас ниқобидаги “тиланчи”лик билан хўрматга лойиқ кўрилмайди.

Мен исрофгарчиликни юкумли касалликка ўхшатаман. Касалликнинг эса турлари жуда кўп. Худди шундай, қуйида камина бугун деярли ҳар қадамда дуч келаётганимиз нохуш иллат – исрофгарчиликнинг турлари ҳақида гапирмоқчиман.

Хусусан, вақт исрофгачилиги, демакки, умр ва бахт исрофгачилиги. Бу ризку рўз исрофгарчилиги. Бехудага

“

ЎЗБЕКНИНГ ЕРИ,
ДАЛАСИ БОР ЭКАН,
У ҲЕЧ ҚАЧОН
ЗОРИҚМАС. НЕ
ЕЙМАН, ДЕБ
ТОРИҚМАС.
БИРОВНИНГ ҚЎЛИГА
ҚАРАМАС. ЎЗГАНИНГ
БОҒЛАРИГА ЎҒРИНЧА
ҚАЙРИЛМАС.
БЕГОНАНИНГ
ХИРМОНИГА ҚЎЛ
УЗАТИБ, ҒУРУРИДАН
АЙРИЛМАС.

кетган ҳалол меҳнат, пешона тер, яъни соғлик – саломатлик исрофгарчилиги ҳамдир.

Назаримда, бу сўзга маънодош бўлиб “қадрламаслик”, “инсофсизлик”, “лоқайдлик”, “нонқўрлик”, “бешафқатлик”, “нобуд қилиш”, “вайрон қилиш” деган сўзлар туради.

Халқимизда “Нимани хор қилсанг ўшанга зор бўласан” деган ҳикматли гап бор. Бу ҳикматдан қўрқмайдиганлар хор бўлишдан қўрқмайдиганлардир. Ҳовлисида 10-15 сотихдан кўпроқ ери бўла туриб, бу ҳазинадан унумли фойдаланмайдиган қишлоқдошларимиз Ер юзи аҳолисининг етмиш фоизда бир қарич ҳам шахсий ери йўқлигини билармикин? Томорқа хўжалигини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қарорлар, халқнинг тўқ ва бадавлат яшаши, фаровон ҳаёт кечириши учун дастуриламал эканидан хабардормикин?

Албатта, ҳамма ҳам шундай эмас. Хабари борлар ерга, ҳовлисидаги томорқага хазина деб қараб, натижада тўкин-сочин яшамоқда. Кундан-кунга, йилдан-йилга томорқани парваришlash тажрибаси ошиб, элимиз дастурхонига барака кирмоқда. Шахсан ўзим Сурхондарёда 10 сотих еридаги иссиқхонага лимон экиб, 80 миллион сўм даромад кўраётган, Тошкент вилоятида 4 сотих ерда бодринг етиштириб, рўзғорини обод қилаётган оилаларни кўрдим.

Томорқадан фойдаланишни андижонликларга чиқарганда! 16 сотих томорқадан унумли фойдаланиб, иссиқхонани йилдан-йилга кенгайтириб, замонавий уйлardan ҳам сотиб олишади. Фарзандларини ўқитиб, келажagini ҳам таъминлайди. 16 сотих ери бор одам энг сўнгги русумдаги автомашинани миниб юради. Андижонликнинг вақти режалаштирилган, ёзда иссиқни, қишда совуқни баҳона қилиб, телевизорнинг рўпарасида ёнбошлаб ётмайди. Балки, уларнинг орасида ҳам замон-макондан нолиб, оғирнинг устидан, энгилнинг остидан юрувчилар бордир. Лекин мен ҳали учратмадим.

Республикаимизнинг қишлоқларида ерни кадрловчилар кўп. Шу билан бирга лоқайдлар, ҳали ҳам “Олма пиш – оғзимга туш” деб юрганлар оз эмас.

–Томорқадаги ерга ишлов беришни билмайдиганлар – бу билишни хоҳламайдиганлар, - дейди ҳамсухбатим, “Қува анори” агрофермаси раҳбари Мастура Сайфудинова. – Ахир бу учун катта илм керак эмас. Озгина ҳафсала бўлса, бас. Еримиз жаннат. Ерни боксанг, ер сени боқади.

Статистикага қараганда, бугунги кунда сайёрамизда 800 миллиондан ортиқ одам тўйиб овқатланмайди. БМТнинг келтиришича, дунёда очарчилик муаммосининг кескин авж олиши ҳарбий можаролар ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқдир.

Кўз ўнгимда ижтимоий тармоқларда бот-бот дуч келадиган суратлар - ахлат уюмлари ёнида, бутун дунё аҳлига озгин қўлчаларини чўзиб, “Нон беринг!” деб илтижо қилаётган гўдаклар, боласини бағрига босиб, бир парча нон, бир қултум сув сўраётган оналар, ризқ излаб ўзга юртлар томон хору сарсон кетаётган эгик бошлар, нон ҳиди келаётган мамлакатлар соҳилига етай деб, қайиқларга оғирлик қилиб чўкиб кетаётган минг-минг одамлар келади.

Энди бир лаҳзага бўлса-да, ўша очликка маҳкум гўдакларнинг ота-онаси ўрнида ўзингизни қўйиб кўринг! Ҳа, бунга тасаввур қилиш нақадар қўрқинчли! Бола нон сўраса-ю, ота-она иложсиз қолса... Ҳатто ўйлаш оғир!

Мухтарам замондошим! Ҳовлингиздаги олтиндан қиммат ерга эгилинг! Тупроқни ҳидланг! Ундан бараканинг хиди келади. Ундан райхонларнинг, жамбилларнинг бўйи келиши сизга боғлиқ эмасми?! Тўкинлик, бахтиёрлик хонадонингизни тарк этмаслиги виждонингизга ҳавола.

Бир ҳовлида меҳнатга яроқли тўртта одам яшаса-ю, ҳеч бири кетмон ўшлашни билмаса, ҳовлиларидаги ерга ишлов берилмаса, кўйхона, молхонадан чиққан чиқиндиларни шарбат қилиб, дарахтлар озиклантирилмаса, суғорилмаса, таглари юмшатиlmаса, боғ қаердан боғ бўлсин?! Томорқа қаердан томорқа бўлсин?! Қўшимча даромад қайдан келсин?

Бу қаровсизликдан қотиб, тош метинга айланган ерларнинг уволи тутмасмикан? Дангасалик туфайли битта-битта қуриб, йўқолиб кетаётган бол томувчи боғларнинг заволи ўрмасмикан? Ахир ернинг исрофи – болангизнинг оғзи тегиб турган неъмат исрофи-ку!

Ўзбекнинг ери, даласи бор экан, у ҳеч қачон зорикмас. Не ейман, деб торикмас. Бировнинг қўлига қарамас. Ўзганинг боғларига ўғринча қайрилмас. Бегонанинг хирмониға қўл узатиб, ғуруридан айрилмас.

Момо Ер. Биз, ўзбеклар “ер” сўзини “момо” сўзининг ёнига лойиқ кўраимиз. Момо – онамизнинг онаси. Момо – отамизнинг онаси. Ўзбек момосини ташламаган-ку, оғзига нон тутган қўлларни тишламаган-ку! Момонинг рўмоллари ўпилган, этакларида намоз ўқилган, букчайиб қолган елкасини меҳрли қўллар тутган... Қани, момо Ердан қарздорлик тўйғумиз?

Қиш қиличини қайтар турган февраль ойида Сурхондарёга бордим. Ҳосилга кирган лимонзорлардан кетгинг келмайди. Балки жаннат гулларининг хушбўйи шундай бўлар. Лимон гулларининг ҳидини тиббиётчиларимиз “Ароматерапия” деб номлаб, айниқса, қиш чоғи асаби толиққан беморларга лимон экилган иссиқхонага кириб, ярим соат-бир соат ўтиришни тавсия қилишади. Лимоннинг ўзи-ку, неча хил дардга даво. Дастурхонидан лимон аримайдиган рўзғорга касаллик келмайди.

Бир йил томорқадан яхши даромад кўрган оила кейинги йил бундан кўпроқ фойда олади. Кейинги йил аввалги йилги хатоларни такрорламайди. Секин-аста тажриба тўпланади. Тажриба эса муваффақият гарови. Сурхондарёлик омилкор деҳқонлар эса лимончилик бўйича орттирган тажрибаларини қўшни вилоятлардан келган дўстларига ҳам бажонидил ўргатишмоқда.

“Ҳар йил баҳорда хонадонма-хонадон юриб, аҳолига томорқадан тўғри фойдаланиш йўл-йўриқларини тушунтирамиз, кам таъминланган оилаларга полиз экинларининг уруғларигача тарқатамиз. Пири бадавлат кексаларимизни тажриба алмашишга олиб борамиз. Минг афсуски, баъзи оилалар ишни охиригача етказмайди. Кўчатларни қуришиб, томорқани такрон ер қилиб, “Нега бизга ҳеч ким қарашмайди?”, “Маҳалладан бераётган ёрдам пули бизга доимий бўлмаса, нима қилади?” деб нолишдан тўхтамайдиганлар ҳам бор”, дейди ҳокимият вакиллари. Бундайлар томорқадан фойдаланиш учун ҳатто уриниб ҳам кўришмайди.

Боласига бирорта хўнар ўргатмасдан катта қилаётган одам, ўғрини боқаётган одамдир, дейди Конфуций.

“

БОЛАСИГА БИРОРТА
ХўНАР ЎРГАТМАСДАН
КАТТА ҚИЛАЁТГАН
ОДАМ, ЎҒРИНИ
БОҚАЁТГАН
ОДАМДИР, ДЕЙДИ
КОНФУЦИЙ.

қўшниникига сўроқсиз киради. Сиз “Уруғ-авлодимда ўғри йўқ эди-ку”, деб додлайсиз! Кечирасиз, авлодингизда ўғрилиқни сиз бошлаб бердингиз. Сиз унга текин томоқлиқни ўргатдингиз. Хўнарли қилмадингиз. Деҳқончиликни ўргатмадингиз. Томорқада ёнингизга олиб, ишлатмадингиз. Ўғил бола бўлиб, қурилишни билмайди, бир нарса бузилса, тузатишга қўли келмайди. Девор ўпирилса, сувашдан беҳабар. Дераза ойнаси синса, бошқа ойна қўйишга, бозор-ўчар қилишга эпсиз.

Қизингиз-чи? “Қизи ўнга кирди, онаси сонга кирди” деган мақолни бекорга айтмаган доно халқимиз. Ўн ёшга кирган қизингизга бирор хўнар ўргатмадингизми, демак, янглиш йўлдасиз. Ҳечқурса, пишир-қуйдирни, бичиш-тиқишни билмоғи керак. Рўзғорни тежаб-тергаб, иқтисод қилиш кўникмасини, фаросатни қиз болада шакллантириш оиладан бошланади.

Фарзандларимизга уят, андиша аталмиш азиз тушунчаларни кўчада ҳеч ким ўқтирмайди. Улар кўчадан уятсизликни ўрганиши мумкин. Демак, фарзандларимизни дастлаб кўчага ўзимиз олиб чиқайлик. Уларни ўқув тўғаракларига, спорт залларига, хўнароманд усталар, боғбонлар, чорвадорлар, фермерлар ёнига ёрдамлашиши, хўнар ўрганиши учун олиб бораёлик. Бежиз ота-боболаримиз боласини устозга ўзи олиб бориб “суяги бизники, эти сизники”- демаган.

Кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар ўз мевасини бермоқда.

Минг шукрки, бугун миллат уйғонди. Ўйғоқларнинг уйғоқ болалари эса юрт шаънини юксак чўққиларга олиб чиқмоқда.

Қадрли элдошим! Ҳар биримизнинг хонадонимизда истеъдодлар яшамоқда. Аввало, биз уларни танийлик! Тан олайлик! Толган-тутганимизни уларнинг соғлигини тиклаш, истеъдодини юзага чиқариш, имон-этиқодини мустаҳкамлаш, меҳр-оқибатли, сабр-қаноатли, меҳнатқаш, ватанпарвар бўлиши учун сарфлайлик. Борди-ю, кучимизни, имкониятимизни хою-ҳавасимиз, мактанчоқлигимиз, манманлигимиз йўлида исроф этсак, оқибатимиз ёмон, охиригимиз аянчли бўлиши тайин.

Ҳазрат Навоий айтиганидек, ақлни жамлаб оладиган фурсат, камол касб этадиган вақт келди:

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай ғамнок
чиқмоқ.
Жаҳондин нотаом ўтмак,
биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Бугун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳаётига назар ташласак, аввалгиларидан мутлақо фарқ қиладиган кўп жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, ҳокимлар ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари бир-биридан ажратилди. Давлат ҳокимияти халққа янада яқинлашди, халқ ҳокимиятчилигининг асослари мустаҳкамланди. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, чин маънода “Халқ уйи” сифатида намунали Кенгашга айланиши учун барча имкониятлар яратилди.

Натижада маҳаллий давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳудудлар тақдири билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпчиликнинг фикри билан қабул қилиш бўйича анча натижаларга эришилди. Депутатларнинг фаоллиги ошиб, жойларда жамоатчилик назорати кучаймоқда, ҳудудларда ечимини кутаётган муаммолар бирин-кетин бартараф этилмоқда. Сессиялар ҳам анча жонланиб, ўзгача руҳда, янгича сиёсий фаоллик ва ишчанлик кўринишида ўтмоқда.

Сессия ва натижа

МУНОЗАРА МАЙДОНИ

Сессиялар мажлиси нафақат халқ депутатлари Кенгашлари қарори қабул қилинадиган сиёсий йиғилиш, балки муҳим мунозаралар майдони ҳисобланади. Ҳудудга тегишли халқ дардига айланган муҳим масалалар депутатлар муҳокамасига қўйилади. Сессияга киритиладиган масалалар бир неча кун олдин айтилган, боис депутатларимиз шу мавзу доирасида тегишли маълумотларга эга бўлган ҳолда келиши талаб этилади. Улар ўз фикрини билдириб, янги-янги гоёлар, таклифлар айтишади.

Бу табиий ҳол, албатта. Халқ вакили ҳисобланган депутат ҳар бир масала юзасидан ўз нуқтаи назарига эга ҳолда сессияда иштирок этиши керак.

Ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга назар ташласак, бугун сессиялар анча мунозарали, савол-жавобларга бой ва қизгин кечмоқда. Муҳокама этилаётган масала тегишли доимий комиссиялар томонидан аввалдан тайёрланиб, депутатлар ўшбу масала юзасидан етарли даражада тушунчага эга бўлгани учун сессияда жонли мулоқот, ҳолис баҳс-мунозаралар авж олмақда. Яхши-да, бу жойларда кучли Кенгашлар шаклланаётгани, депутатларнинг салоҳияти, масъулияти ошаётганига ишора.

НАТИЖА БОРМИ?

Олимжон БАБАЕВ,
ЎзХДП Бўстонлиқ туман
кенгаши раиси, халқ
депутатлари туман
Кенгашидаги ЎзХДП
депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Халқ депутатлари туман Кенгашида партияимизнинг 5 нафар депутати бор. Бир нарсани ишонч билан айта оламан, партия гуруҳимизининг халқ орасида ҳам, депутатлар орасида ҳам обрўси яхши. Партия гуруҳимиз туман Кенгаши доимий комиссиялари, ҳокимлик ва ижроия органлар олдида ўз сўзига ва мустаҳкам позициясига эга. Бирорта сессия йўқки, унда партия гуруҳи томонидан долзарб масалалар киритилмаган бўлса.

Юбораётган депутатлик сўровларимиз жавобсиз қолмайди. Аҳоли билан учрашувлардаям энг кўп мурожаатлар бизга билдирилади. Чунки кўтарилган масалалар ҳал этилгач, натижаси етказилади, одамлар ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради.

Сессияларда бирор жўяли таклифимиз инобатга олинмасдан қолса, тортишишга, фикримизнинг асосли эканини исботлашга тўғри келади. Баъзида таклифимизни яхшироқ ўрганиб, қабул қилинишини котибиятдан қаттиқ талаб қиламиз ва мақсадимизни охирига етказамиз.

Яқинда “Бўстонлик туманида онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масалани ўрганиб, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама қилдик.

Назорат-таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфида 320 ўринли марказий шифохона, 1150 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника, 690 қатновли 5 та оилавий поликлиника, 470 қатновли 9 та оилавий шифокорлик пункти, жами 70 ўринли 12 та маҳалла таянч пунктлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бирламчи тизимда аҳолига онкологик ёрдамни янада сифатли ташкил этишни йўлга қўйиш, касалликларни эрта аниқлаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли оилавий поликлиникада онконазорат хонаси ташкил этилган.

Лекин онконазорат хонасига алоҳида штат бирлиги ажратилмаганиги сабабли, ўриндошлик асосида жарроҳ мутахассисига онколог ва поликлиника гинекологига онкогинеколог вазифаси юклатилган. Хона компьютерлашган дастурга уланган ҳамда скринингдан ўтган ва ўсма

касалликлари аниқланган беморларнинг электрон базаси шакллантирилиб борилмоқда. Беморларда нур ва кимётерапия муолажалари республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалида амалга оширилиши боис кимётерапия ёки аниқлаштирувчи воситалар билан таъминланмаган.

Марказнинг Тошкент вилояти филиали мобиль маммография комплекслари томонидан 2024 йилда Бўстонлиқ туманида кўкрак бези ва бачадон бўйни саратони бўйича ўтказилган текширувларда 24 818 нафар аёлнинг 37 нафарида касалликка мойиллик аниқланган. Ўтказилган чўқурлаштирилган иммуногистохимия ва гастродиброскопия текширувларида мазкур аёлларнинг 31 нафарида (шундан 21 нафарида эрта босқичда) онкологик касаллик борлиги маълум бўлган.

Сессияда касаллик йилдан йилга ёшариб, ўтган уч йил даврга нисбатан 35 фоизгача ўсганлиги қайд этилди.

Қабул қилинган сессия қарорида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига тиббиёт муассасаларини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, онкологик беморларга амбулатор шароитда даволанишида зарур бўладиган, бироқ реестрда кўрсатилмаган дориларни реестрга қўшиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Онконазорат хонасини мутахассис шифокор билан таъминлаш бўйича вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ишларни ташкиллаштириш тавсия этилди. Шунингдек, тумандаги кўп тармоқли марказий поликлиниканинг онконазорат хонаси ҳамда лабораториясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, туман ҳокимига киритиш бўйича мутасаддиларга муҳим вазифалар юклатилди.

Халқ депутатлари Бўстонлиқ тумани Кенгашининг барча депутатларига ўзларининг сайлов округлари ҳудудларидаги тиббиёт муассасаларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати, зарурий ускуна ва воситалар билан таъминланиш ҳолатларини ўрганиш, аниқланган камчиликлар бўйича халқ депутатлари туман Кенгашига ахборот киритиб бориши тавсия этилди.

Албатта, сессия қарорига эришиш бу йўлдаги илк натижа бўлса, унинг ижросини таъминлаш муҳим ва асосий жараён саналади. Бунда эса биз депутатлар фаоллик ва зийракликни бой бермай, назорат ўрнатishiмиз зарур.

Самандар БОБОНИЯЗОВ,
ЎзХДП Ҳоразм вилоят
кенгаши масъул ходими:

– Партия гуруҳимиз туман Кенгаши билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар ой йиғилишиб, электорат, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқамиз. Бу жараёнда муаммоларни ўрганиб, сессия муҳокамасига қўйиш вазифаси ҳам юклатилади. Шу тариқа камчиликлар бартараф этиб келинмоқда.

Депутатлик гуруҳимиз ҳар чоракда режадаги масалларни доимий комиссияларда кўриб чиқаяпти ва сессия кун тартибига киритиб, қарор қабул қилинишига эришмоқда.

Масалан, яқинда халқ депутатлари Ҳазорасп туман Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида туман тиббиёт бирлашмаси бўлими бошлиғи О.Сатибалдиевнинг ҳисоботи ҳамда туман иқтисодиёт ва молия бўлим бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш.Ҳўжаниёзовларнинг ахборотлари тингланди.

Сессияда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаоллиқни оширишни тарғи



қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ бир қатор таклифлар ўртага ташланди.

Болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш ҳамда скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш масаласини қизгин муҳокама қилдик.

Шунингдек, оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатадиган объектларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи ўртага ташланди. Диагностика ва юқори технология ҳамда инновацион усулларни амалиётга жорий этиш, соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб боришга эришишга эътибор бериш кераклиги таъкидланди.

Ушбу муҳим вазифалар сессия қарорида ўз аксини топди. Бундан ташқари, туманда бирламчи тиббиёт муассасалари ишларини тубдан яхшилаш, шу мақсадларда уларни малакали ходимлар билан таъминлаш, зарур дори воситаларини етарли равишда етказиб бериш бўйича мутасаддиларга вазифалар юклатилди. Туман аҳолисига малакали тиббий хизматни кўрсатиш мақсадида соҳага зарур бўлган тиббий ҳодимларни жалб қилиш юзасидан тиббиёт олийгоҳлари билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

ҚАРОР АРХИВ УЧУН ЭМАС...

Албатта, битта мақолада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларига депутатларимиз ташаббуси билан киритилаётган ҳамма масала ҳақида батафсил маълумот беришининг имкони йўқ. Биз уларнинг айримлари ҳақида мисол келтирдик.

Чиндан ҳам, бугун сессиялар том маънода халқ манфаатини ҳимоя қилишга қодир минбарга айланиб улгурди. Юқорида партиямиз фаолларининг, депутатларнинг фикрларидан ҳам аён бўлдики, маҳаллий Кенгашлар сессиялари “бир кун бўлади-да” қабилида хотиржам яшаб келаётган айрим “уйқучилар”ни уйғотиб, сергаклантиришга хизмат қилляпти. Сессия йиғилишларида бир қанча масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Мунозаралар қизигандан қизияпти, кескин савол-жавоблар бўляпти. Яхши таклифлар ва фикрлар ҳам пайдо бўлиб қолади.

Бирор-бир масалани ўрганиб, уни доимий комиссия ва сессия муҳокамасига олиб чиқиш осон жараён эмас, аслида. Ишчи гуруҳлар ҳудудлардаги аҳолини ўлантираётган муаммоларни йўналдириб, ижтимоий масалаларни таҳлил қилади, маълумотлар ва таклифларни сессияларга тақдим этади. Бир сўз билан айтганда, ҳудудлардаги масалалар кўп жиҳатдан уларнинг фаолиятига боғлиқ. Қачонки, ҳар бир ҳудуд ва соҳадаги реал манзара, асл ҳолат ўрганилиб, муаммо юзага чиқсагина мутасадди ташкилотларнинг масъулияти, ҳисобдорлиги ҳам ошади.

Шу маънода, мажлис ўтказиб, қоғоз тўлдириш билан сессия ўтган, депутатлар вазифасини бажариб қўйган ҳисобланмайди. Аксинча, ҳаммаси қарор қабул қилинган

бошланади. Чунки муаммонинг ечими қарорнинг ижросига боғлиқ. Ўрганишлар натижаси эса назорат тадбирларига қараб самарали ёки самарасиз бўлади.

Ҳўш, партия фаоллари, депутатлик гуруҳи аъзолари ўрганган масала юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросига яна бир бор қайтдимиз? Умуман қарорлар ижро этиладими?

Уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масалалари қандай? Мана, қаерда бизнинг “нозик” жойимиз.

Тўғри, сессиялар ўтиб турибди, ҳар бир ҳудудда қарорлар қабул қилинмоқда. Қарорлар архив учун эмас, одамлар, жамият учун. Улар қоғозларда қолиб кетмаслиги лозим. Одамлар ўзининг ҳудудида қандай қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси ишар ва қишлоқларда қандай натижа кўрсатаётганини ўз кўзи билан кўриши керак.

Шоҳруҳ ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят
кенгаши раиси:

– Депутатлик гуруҳларимиз сессияга масала киритишдан олдин назорат-таҳлил ишларини олиб боришади. Масала жойига чиқиб ўрганилади, шу бўйича қандай мурожаатлар бўлгани кўриб чиқилади. Шунингдек, мониторинг давомида ҳудудларда кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага кириб борилади, сайловчиларнинг эътирозлари, таклифлари эшитилади.

Ҳозир яхши бир тажрибага таяниб иш кўряпмиз. “Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал”, дейишади-ку. Шу маънода жойлардаги муаммолар ҳақида кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирмаяпмиз. Ўзимиз одамлар орасига, халқ ичига кириб боряпмиз. Улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, ҳал қилиш кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботларини эшитамиз, ҳудуддаги муаммоли масалаларни ўрганамиз, улар асосида сессияларга масалалар тақдим этамиз.

Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларида 115 нафар депутатимиз бор. Ютуқларда ҳам, тўғрисини айтганда, камчиликларда ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатларининг озми-кўпми ҳиссаси бўляпти.

Жорий йилнинг биринчи чорагида партия гуруҳларимиз томонидан 23 та масала партия гуруҳларида, 23 та масала доимий комиссия йиғилишларида ва 22 та масала сессиялар кун тартибига киритилиб, муҳокама этилди. Сессияларда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш, бизнесни ривожлантириш соҳаларидаги муаммолар муҳокама этилди.

Асосийси, сессияга масала тайёрлаш давомида депутатлар жойлардаги реал вазиятни ўз кўзи билан кўриб, одамлар билан юзлашмоқда. Шунинг учун улар маҳаллий Кенгашларда кўрилаётган масаланинг ипидан игнасигача билади, қоғоздаги маълумот билан уни алдаб ҳам бўлмайди. Сайловчиларга қулоқ тутиш, улар билан елкама-елка туришда гап кўп.

Аммо фақат сессияларда ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, бир

масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади.

Шунинг учун биз сессия қарорлари ижроси бўйича алоҳида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанмиз. Ҳар чоракда айнан шу масалани муҳокама марказига қўйиб йиғилиш ўтказамиз, сессияларда қабул қилинган қарорлар ижросини кўриб чиқамиз.

Робия КАЗИМОВА,
халқ депутатлари Бухоро
шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП
депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ҳар бир сессияда доимий иштирок этаман. Улар давомида ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади, саволлар берилади. Бугунги кунда депутатлар олдинги йиллардагидай фақат қўл кўтариб тасдиқловчи эмас. Улар фаол, ташаббускор, масалаларга жиддий ёндашади. Айтиш жоизки, ҳозирги сессиялар олдингиларидан анча фарқли. Масъуллардан жавоб сўралади, натижа талаб қилинади.

Депутатлар аҳоли ташвишларини енгиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун ҳаракат қилмоқда. Мен ҳам депутат сифатида халққа нафим тегса, бундан мамнунман. Жорий йилнинг ўтган чораги давомида депутатлик гуруҳимиз томонидан бир қатор масалалар юзасидан депутатлик назорати олиб борилди ва сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Булар ўз натижасини берди.

Жумладан, таълим соҳаси мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мактабларда болаларнинг дарсга қатнашиш кўрсаткичи яхшиланди. Маънавий муҳитни қарор топтиришга жиддий эътибор қаратилди. Ҳўжжатлар юритишда тизимлилик таъминланди. Психологик ишлар фаоллаштирилди. Мактаб формаси ва ахлоқий интизом устидан назорат кучайтирилди. Овқатланиш тизими яхшиланди ва электрон платформалардан тўлиқ фойдаланишга эътибор қаратилди.

Энг муҳими, раҳбар ва ўқитувчиларнинг шахсий жавобгарлиги оширилиб, интизом ва масъулият кучайтирилди. Бу орқали ёш авлодга сифатли таълим бериш имконияти кенгайди.

Тиббиёт соҳасида эса инфратузилмани яхшилаш, тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва ҳусурий секторни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ўзгаришлар соғлом жамиятни шакллантириш, профилактик чораларни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Тўғри, ҳозирда ижро ҳокимияти раҳбарлари депутатларнинг сўровларини тўғри қабул қилмоқда. Бироқ баъзи ёш раҳбарлар депутатнинг мақоми ва ваколатини тўлиқ тушуниб етмаган. “Нега ҳисоб бераман?”, “Депутатга жавоб бериш шартми?”, каби саволлар ҳам учраяпти. Шу боисдан, ижро органлари раҳбарлари учун депутатлик мақоми ва назорати ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш мақсадида махсус семинарлар ташкил этиш зарур.

Мақсад — ҳисобот сўраш эмас, балки қонунлар ижросини таъминлаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этишдир. Демак, ҳамкорлик, англашув ва масъулият — умумий тараққиётнинг асосидир.

Гувоҳи бўлдики, бугун депутатларимиз сессия кайфиятидан қониқаяпти, сайловчилар манфаатларига алоқадор масалаларда мутасадди ташкилотларга юзланаяпти. Бундай ўсиш, ўзгариш яхши, албатта. Шунга яраша вазифалар, топшириқларнинг туман, кичикроқ шаҳар даражасидаги ижроси жуда муҳим, айниқса, одамларнинг кундалик турмуши, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган масала. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокама, мунозара, ҳаққоний баҳс майдонига айланса, шунда ҳудудлар янада тараққий этади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.



2025 йил - АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ

ЯГОНА УЙИМИЗ



Сайёра АБДИКАРИМОВА, Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.

Тирикчилигимиз, ризқ-у рўзимиз, насибамиз – ҳамма-ҳаммаси она ер билан боғлиқ. Қўёш тизимида ҳаёт мавжуд бўлган ягона ва бетакрор сайёра – Ер инсониятнинг неча минг йиллик ўтмиши, бүгунги ва келажакка гувоҳ. Бу сайёрадаги жамики инсонлар учун Ер ягона уй ҳисобланади.

Афсуски, илм-фан ва техник тараққиётнинг юксак чўққиларига интилаётган одамзот бугунги кунда бебаҳо неъмат – ернинг ҳамда ундаги беминнат неъматларнинг қадрига етаяпти, дея олмаймиз. Ер ресурслари чекланганлигини, уни асраб-авайламай, зиён етказишда давом этаверсак, келажак авлод ҳаётини таҳликага қўйишимиз мумкинлигини кўп ҳолларда ёддан чиқараётгандекмиз. Ваҳоланки, табиат ва ерга шафқатсиз муносабатнинг “мева”ларини ҳозирданок кўриб турибмиз: иқлим ўзгаришлари, ўрмонларнинг қисқариши ва чўлланишнинг жадаллашгани, музликларнинг эриши, наботот ҳамда ҳайвонот олами турлари камайиб бораётгани – булар барча давлат ва жамиятни ҳушёрликка чорламоқда. Шу боис ҳам ерни асраш ва ундаги

муаммоларга бани башарнинг эътиборини қаратиш ҳар қачонгидан долзарб. Ҳар йили 22 апрель (2009 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 63-сессиясида 50 дан ортиқ давлат вакиллари томонидан маъқулланган) жаҳон бўйлаб Халқаро Ер куни сифатида кенг нишонланиб келиниши замирида турли қитъадаги инсонларни сайёраимизни ҳимоя қилишга чорлаш мақсади мужассамдир. Эътиборлиси, бу сана мамлакатимизда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистонда ўрмон ресурслари чекланган. Умумий ер майдонининг 10,6 фоизини ташкил қиладиган ўрмонзорларни янада кўпайтириш чора-тадбирлари айнаи пайтда изчил олиб борилмоқда. Бунга мисол сифатида Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш ҳажми кескин кўпайтирилаётганини келтириш мумкин. Ёки “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида юртимиз ҳудудларида ҳар йили 200 миллионга яқин кўчат экилиб, чўлланиш ва шомол эрозиясини камайтириш чоралари кўриллаётгани эътирофга лойиқ.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 27 мартдаги “Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида республиканинг 176 минг гектар ер майдонида ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш жараёни кетмоқда. 38,5 минг гектар ер майдонларида яйловларни қайта тиклаш, 15 минг гектар ер майдонида сувни тежаш ва тоғ ўрмонларида тупроқ эрозиясига қарши курашиш, 14,2 минг гектар ер майдонларида агроўрмончилик тадбирлари бажарилмоқда. 5 минг гектар ер майдонида саноатбоп ўрмонзорлар ҳамда 5 минг гектар майдонда доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ишлари ҳам амалга ошириляпти.

Статистикага кўра, глобал миқёсда ҳар йили 7–8 млн гектар ҳосилдор ерлар

деградацияга учрамоқда. Шунингдек, дунё бўйлаб ҳар йили 24 млрд тонна ҳосилдор тупроқ йўқолмоқда, бу эса озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий таҳдид соляпти. Худди шундай, Ўзбекистонда ҳам айрим ҳудудларда гумус миқдори 40-50 фоизгача камайган, бу эса тупроқнинг биологик фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда ер ислохотларини такомиллаштириш, ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ ҳўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, яйловлар деградациясининг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизминини мустаҳкамлаш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Бунга параллел равишда БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда чўлланиш жараёнларини камайтириш ва барқарор агроэкотизимлар яратиш лойиҳалари рўёбга чиқарилаётми.

Жумладан, “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” Давлат дастурига мувофиқ экологик мувозанатни таъминлаш, тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформацияси”ни амалга ошириш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш ҳамда аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ишлари пироварида ер ва ер ресурсларидан оқилона, мақсадли фойдаланиш борасида янги ташаббусларга туртки беряпти. Ерлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали соҳани рақамлаштириш сайъ-ҳаракатлари суръати ҳам ошмоқда. Буларнинг бари “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 та асосий ғояси қаторида аҳоли учун қулай экологик шароитни кафолатлашга хизмат қилади.

Дарвоқе, ушбу стратегияда юртимизда яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, экиладиган ҳар бир дарахтни парвариш қилиш ва сугориш тизимини йўлга қўйиш, барча замонавий мегаполислардаги каби, пойтахтимизда яшил майдонлар ҳудудини 5 баробар кўпайтириш, республикада ўрмон билан қопланган майдонларни 6,1 миллион гектарга, дарахт ва бута уруғлари тайёрлашни 840 тоннага ошириш, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорларни 2,3 миллион гектарга етказиш, чўлланиш, қургўқчилик, чанг-қум бўронлари ва ҳароратнинг кўтарилишига қарши чора сифатида жами 600 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг амалий тасдиғини топиши ер экотизимининг барқарорлигига,биологик хилма-хилликнинг сақлаб қолинишига замин яратади. Бу эса Ер шаридаги кўплаб экотизимлар захираси деярли буткул тугаб, ортга қайтариб бўлмайдиган даражага юз тутган, аҳоли нуфуси ўсиб бораётгани каби озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқа соҳалар ривожига эҳтиёж кун сайин ортаётган ҳозирги вазиятда энг тўғри ёндашувдир.

Унутмайлик, она ер ва унинг бойликларини келажак авлодларга мерос қолдириш барчамизнинг инсоний бурчимиз.

““

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРМОН РЕСУРСЛАРИ ЧЕКЛАНГАН. УМУМЙ ЕР МАЙДОНИНИНГ 10,6 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИГАН ЎРМОНЗОРЛАРНИ ЯНАДА КўПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ АЙНИ ПАЙТДА ИЗЧИЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНГА МИСОЛ СИФАТИДА ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ТУБИДА ЎРМОНЗОРЛАР БАРПО ЭТИШ ҲАЖМИ КЕСКИН КўПАЙТИРИЛАЁТГАНИНИ КЕЛТИРИШ МУМКИН.

МУНОСАБАТ

Бахшиси бор элнинг ботири кўп бўлар

Очик осмон остидаги бетакрор музей шаҳар – қадимий Хивада ўтказилган IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали ва Президентимизнинг фестиваль иштирокчиларига йўллаган табриги биз каби ижод аҳлини беҳад тўлқинлантиргани рост.

Бахшичилик санъати халқларнинг миллий ўзлигини, тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф-одатларини ифода этадиган умумбашарий маданиятнинг узвий қисми сифатида барчамиз учун қадрли. Бахшининг ширали овози ва дўмбирасидан таралаётган оҳангларда инсоний соф туйғулар улуғланади. Ёзма манбалар бўлмаган қадимги даврлардаёқ аجدодларимиз оғзаси ижод орқали авлодларга мардлик, яхшилик, ҳалоллик, ватанпарварлик, дўстлик ибратини етказган. Шу жиҳатдан, бахшилар эзгулик элчилари бўлган ва ҳамиша эъзозланган.

Бироқ глобаллашув замонида келиб ушбу тарихий санъат биров унутилгандек бўлди. Айниқса, ёшларда бунга қизиқиш, рағбат гўё йўқолган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Сурхондарёда бахшичилик мактаби ташкил этилгани бу йўналишда янги даврни бошлаб берди. 2018 йил 1 ноябрь куни

соҳага доир тарихий ҳужжат – Президентимизнинг «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ Халқаро бахшичилик санъати фестивали илк бор Сурхон элида ўтказилган бўлса, 2021 йилда, таъбир жоиз бўлса, бу халқ

байрамига Қорақалпоқ замини мезбонлик қилди.

Шубҳасиз, ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали шарқ халқлари фольклор санъатининг ушбу етакчи жанрини кенг тарғиб қилиш, фольклор анъаналари ва қадриятларини сақлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, ривожлантириш ва бахшичилик санъатининг моҳир ижрочиларини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ёш авлод қалбида бахшичилик санъатига бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, мардлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, она юртва ва аждодлар меросига юксак садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутаётми.

Тобора халқаро нуфузи ортиб бораётган мазкур анжуман бу йил кўҳна Шарқ гавҳари – бетакрор Хоразм диёрида ўтказилгани унга алоҳида руҳ ва мазмун бағишлади. Зотан, давлатимиз раҳбари табригида

қайд этилганидек, бу ўлканинг дostonчилик мактаби ғоят қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, “Лазги” каби дунёга машҳур мумтоз куй-қўшиқлар, гўзал рақслар айнан ана шу азим дарёдан озикланиб келмоқда

Мен ҳам ёшлигимдан санъатга, бахшичиликка қизиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик ва созандалик бўлимида таҳсил олганман. Ушбу санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотига мушарраф бўлдим.

Албатта, бу ҳам давлатимиз томонидан ушбу санъат йўналишига берилаётган юксак эътиборнинг натижаси деб биламан.

Қорақалпоқ dostonлари ижрочилик услубининг ўзи икки йўналишга бўлинади. Қаҳрамонлик dostonларини якка ҳолда кўбиз чолғуси жўрлигида, ички овозда куйловчилар жиров деб аталади. Оламўйноқ дутори (қорақалпоқлар чаладиган металл


торли дутор шундай аталади) ни чалиб, очик овозда лирик dostonларни куйловчиларни “бакси” дейишади. Уларга анъанавий уч торли ғижжак ва буламон чолғучилари жўр бўлди. Қувонарлиси, бугунги кунда кўплаб ёшларимиз халқ dostonлари ва қўшиқларини куйлаб, элсевар бахшиларимиз йўлини давом эттириб келмоқда. “Кўҳна Шарқ гавҳари” деб ном олган қадимий Хоразм диёрида ўтказилган навбатдаги фестивалда бу яна бир бор ўзининг амалий тасдиғини топди.

Дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан 200 га яқин вакил иштирок этган IV Халқаро бахшичилик санъати фестивали барчамизнинг қалбимизда узоқ вақт муҳрланиб қоладиган тарихий воқеага айланди, десам муболага бўлмайди.

Хурлиман НИЕТБАЕВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, ЎзХДП фаоли.

“Бизнесни ривожлантириш банки” акциядорлик тижорат банки республикадаги етакчи молия муассасаларидан бири сифатида замонавий хизматларни жорий қилиш орқали мижозлар ишончини қозонишга ва молия бозорида мустақкам ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

Бу ҳақида “Бизнесни ривожлантириш банки” томонидан “Менинг бизнесим” ва “Менинг буюртмам” лойиҳалари тақдими маросимида алоҳида тўхталиб ўтилди. Тақдимотда банк бошқаруви раҳбарияти, ҳамкор ташкилотлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



«БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ»: “МЕНИНГ БИЗНЕСИМ” ВА “МЕНИНГ БУЮРТМАМ” ЛОЙИҲАЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Таъкидландики, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси ушбу тизимда туб ўзгаришларни амалга оширишда дастуруламал бўлмоқда. Аҳолига таклиф этилаётган банк хизматлари қулайлиги ва оммабоплиги, замон талабларига мослиги, хусусан, рақамли ва онлайн хизматлар кўлами ошиб бораётгани алоҳида эътирофга молик.

– Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан банкимиз “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини амалга ошириш ва уни доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича асосий таянч банк сифатида белгиланди, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ бошқарув раиси ўринбосари Ойбек Воҳидов. – Ушбу қарор билан банкимиз зиммасига ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадларини ошириш бўйича янгича ёндашувларни кенг жорий қилиш, маҳаллаларда кам таъминланган оилалар билан манзилли ишлашни ташкил этиш ва ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, мавжуд ресурслар ва имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича муҳим вазифалар юклатилди.

Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида банкимиз жамоаси томонидан аҳолига тадбиркорликни қандай бошлаш, масофавий хизматлардан кенг фойдаланиш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. “Менинг бизнесим” ва “Менинг буюртмам” ана шундай лойиҳалардан ҳисобланади.

Тадбирда бугунги кунда KPMG халқаро компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган, банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси изчил амалиётга татбиқ этилаётгани ҳамда чакана бизнес моделини ривожлантириш ва даромадлилик кўрсаткичларини ошириш асосий стратегик мақсадлардан бири экани ҳақида маълумот берилди. Жамоатчиликка тақдим қилинган “Менинг бизнесим” ва “Менинг буюртмам” лойиҳаси инновацион ечимлари мазкур мақсад йўлидаги қадамлардан экани айтилди.

– Бугун рақамли трансформация остонасида турибмиз. Дунё ўзгармоқда. Шу билан бирга жамият эҳтиёжлари ҳам ўсмоқда. Биз ҳаётимизни осонлаштирадиган инновацион технологияларни



яратишни истаймиз ва банкимиз жамоаси ҳар ким даромад топиши ва ҳаётини енгиллаштириши тарафдоридир, – дейди “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг Чакана бизнес бош директори Феруз Хўжаев. – Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилган 4 миллион нафар аҳоли бор. Юртимиз меҳнат бозорига йилига ўртача 600 мингга яқин ишчи кучи қўшилмоқда. Шундай шароитда банкимиз томонидан аҳолимизга қулайликлар яратиш мақсадида “Менинг бизнесим” ва “Менинг буюртмам” лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

“Менинг бизнесим” – бу ўзини ўзи банд қилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун яратилган ноёб рақамли платформа. У орқали тадбиркорлик фаолиятини расман бошлаши учун ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш, расмий даромади йўқ, ўз касбининг устаси бўлган фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ёки ривожлантириши учун кредитлар олиши мумкин. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти,



БУ ВАЗИФАЛАР
ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ
МАҚСАДИДА
БАНКИМИЗ
ЖАМОАСИ
ТОМОНИДАН
АҲОЛИГА
ТАДБИРКОРЛИКНИ
ҚАНДАЙ
БОШЛАШ,
МАСОФАВИЙ
ХИЗМАТЛАРДАН
КЕНГ
ФОЙДАЛАНИШ
ЮЗАСИДАН
ЯНГИ
ЛОЙИҲАЛАР
ИШЛАБ
ЧИҚИЛМОҚДА.
“МЕНИНГ
БИЗНЕСИМ”
ВА
“МЕНИНГ
БУЮРТМАМ”
АНА
ШУНДАЙ
ЛОЙИҲАЛАРДАН
ҲИСОБЛАНАДИ.

яъни, бўёқчи, электрик, тикувчи, устачилик, сантехник ва бошқа шу каби ўз хизматларини аҳолига онлайн тарзда таклиф этиш, меҳнат стажини расман юритиш орқали келажакда ижтимоий нафақаларга эга бўлиш каби муҳим имкониятлар мавжуд.

“Менинг буюртмам” лойиҳаси эса ҳар бир юртдошимиз учун қулайликлар яратиши билан алоҳида аҳамиятга молик. Бу мижозлар ва ўзини ўзи банд қилган хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги қулай рақамли воситачидир. “Менинг буюртмам” иловаси орқали ҳар қандай хизмат кўрсатувчиларни, усталарни тез ва осон топиш, ўз локацияларини кўрсатган ҳолда белгиланган нарх асосида идентификациядан ўтган усталарни жалб қилиш мумкин.

Шу билан бирга илгари фойдаланган истеъмолчилар томонидан қолдирилган изохлар таҳлили асосида усталарни танлаш, жалб қилинаётган усталарнинг рейтингини юритиш имконияти яратилган. Бу иловада касблар ва соҳалар бўйича хизматлар каталоги мавжуд ва ундан 24/7 режимида фойдаланиш мумкин.

Тадбирда спикерлар томонидан “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБнинг истиқболдаги режалари ва татбиқ этилиши мўлжалланаётган янги инновацион лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ТАШАББУСКОР ПАРТИЯДОШИМИЗ

Юртимиздаги ўзига хос янгиланиш ва улкан бунёдкорликларга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фаолият мезонимизга айланиши лозим. Бу борада айниқса, депутатлар ва фаолларимиз янада ташаббускор, янада фидойи бўлишлари талаб қилинади.



Сариосиё туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нодира Рашидова ҳам ана шундай замондошларимиздан бири. Изланувчан ва интилувчан партиядошимиз асос солган оилавий корхонада ўн турдан ортиқ қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ўн нафар опа-сингилларимизнинг бандлиги таъминланган.

– Тўрт нафар фарзандим бор, – дейди партиямиз фаоли Нодира Рашидова. – Яқин-яқингача ишсиз эдим. Рўзғор тебратиш учун қийналган кезларимиз кўп бўлган. Нима қилиш ва қандай йўл тутишни билмаганман, ҳатто.

Ўшанда 2022 йилнинг бошлари эди. Уй шароитида ширинлик пишириб сота бошладим. Аввалига кўни-кўшни ва қариндошларга улашилган бўлса, кейинчалик дўконларга тарқатдик. Шу тариқа тадбиркорлик фаолиятимиз бошланди. Ҳаракатга баракат, деганларидек, фаолиятимиз кенгайиб, ишчилар сони кўпайди. Меҳнатга яраша манфаат кўраяпмиз. Турмуш фаровонлигимиз яхшиланмоқда. Ҳалол меҳнат ортидан уй-жойлар қуриб, замонавий автомашина харид қилдик. Биласизми, ҳар бир инсон яхши ният билан яшайди.

Кўпчилик катори орзуларим сероб. Маҳсулот турини кўпайтириш ва жаҳон бозорига чиқиш асосий мақсадга айланган. Бунинг учун давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизларга кўплаб қулайликлар яратилмоқда. Улардан унумли фойдалансак, албатта, кўзланган мақсадга эришилади.

– Бир йилча олдин ишга келгандим, – дейди Зайнура Йўлдошева. – Тўғриси, аввалига бироз қийналдим. Аммо қисқа муддатда касб сирларини ўрганишга улгурдим. Шароитларимиз яхши. Биз билан шартнома тузилган. Меҳнат дафтарчаси юритилмоқда. Ҳам хунара эгаллаб, ҳам моддий манфаат кўраяпмиз. Бунинг учун устозлардан миннатдорман.

– Туман марказига туташ манзилда яшаймиз, – дейди Мирзо Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алижон Муҳаммадиев. – Ҳудудда 3 минг 300 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилса, 649 та хўжалик бор. Опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш устувор вазифага айланган. Бунинг учун аввало, уларни касб-хунара эгаллашга йўналтираяпмиз. Шу билан бир қаторда, касаначиликни ривожлантириш, паррандачиликни йўлга қўйиш, иссиқхоналар ташкил қилиш яхши натижа берапти. Боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик, томорқачилик йўналишлари ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Хайрли ишлар самараси ўларок, камбағаллик даражаси йил сайин қисқараяпти.

Оила – мўъжаз маскан ҳисобланади. Унинг обод ва фаровон бўлиши кўнгиллар хотиржамлигининг кафолатидир. Ана шундай эзгу амалларга Нодира Рашидова каби ташаббускор партиядошимизнинг муносиб ҳисса қўшаётганидан фахрланасак арзийди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бино хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи назоратни амалга ошириш мақсадида 10 дона видео кузатув камераси, 1 дона камераларни жамловчи қурилма, 1 дона телевизор, 4 дона Wi-fi кучайтириш қурилмаси харид қилиш ҳамда видео кузатув бошқарув пунктини ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Тижорат таклифлари 2025 йилнинг 15 май кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади. 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5/3.

Изоҳ: Танловда қатнашиш истагида бўлган корхона ва ташкилотлар хизматларнинг таснифлари бўйича маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

“Ўзбекистон овози” газетаси жамоаси меҳнат фахрийси Дилдора Исаковага турмуш ўртоғи Ғайрат ИСАКОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 1715 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 01:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda